

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

280 Спорт тури бўйича спортчи, тренер ва ҳакам касб-ларига қўйиладиган малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2592

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Спорт тури бўйича спортчи, тренер ва ҳакам касбларига қўйиладиган малака талаблари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

М. ХОДЖИМАТОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 26 май,
1-сон

Ўзбекистон Республикаси
маданият ва спорт ишлари вазирининг
2014 йил 26 майдаги 1-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Спорт тури бўйича спортчи, тренер ва ҳакам
касбларига қўйиладиган
МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, спорт тури бўйича спортчи, тренер ва ҳакам касбларига қўйиладиган малака талабларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур малака талабларида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

спортчи — танланган спорт тури билан мунтазам шуғулланадиган, ўз спорт маҳоратини доимий равишда ошириб борадиган ҳамда танланган спорт тури бўйича ўтказиладиган мусобақаларда ва ўқув-тренировка йиғинларида мунтазам қатнашадиган жисмоний шахс;

тренер — тегишли маълумотга эга бўлган, ўқув-машқ ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларни ўтказувчи, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун мусобақалашини фаолиятига раҳбарлик қилувчи жисмоний шахс;

ҳакам — спорт мусобақаси ташкилотчиси томонидан вакил қилинган, спорт тури қоидаларига ҳамда спорт мусобақаси тўғрисидаги низомга (регламентга) риоя этилишини таъминлайдиган, махсус тайёргарликдан ўтган ва тегишли малака тоифасини олган жисмоний шахс.

2. Мазкур малака талаблари спортчи, тренер ва ҳакам касбларида ишлашга талабгор ёки ишлаётган шахсларга нисбатан татбиқ қилинади.

3. Спорт тури бўйича спортчи (терма жамоа аъзоси бўлган спортчи ва спортчи-инструктор), тренер (тренер-ўқитувчи, тренер-инструктор, терма жамоа тренери, терма жамоа катта тренери, терма жамоа бош тренери) ва ҳакам (мусобақа бош котиби ва унинг ўринбосари, мусобақа бош ҳаками ва унинг ўринбосари) ҳамда ушбу лавозимларга тавсия этилаётган номзодлар қуйидагиларни билиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги халқаро ҳужжатларни;

жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ҳужжатларини;

спорт машғулоти ва фаолияти услубиётини;

педагогика, психология, спорт тиббиёти, меҳнатни муҳофаза қилиш, тегишли санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

2-боб. Спорт тури бўйича спортчи касбига қўйиладиган малака талаблари

4. Спорт тури бўйича терма жамоа аъзоси бўлган спортчи ва спортчи-инструктор Ўзбекистон Республикаси ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2323, 2012 йил 6 февраль) мувофиқ бериладиган «Спорт усталигига номзод» тоифаси ёки «Халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси» ёхуд «Ўзбекистон спорт устаси» спорт унвонига эга бўлиши лозим.

5. Спорт тури бўйича спортчига малака талаблари қўйилмайди.

3-боб. Спорт тури бўйича тренер касбига қўйиладиган малака талаблари

6. Қўйидагилар спорт тури бўйича терма жамоа бош тренерига қўйиладиган малака талаблари ҳисобланади:

жисмоний тарбия бўйича олий маълумотга эга бўлиши;

«Олий тоифали тренер-ўқитувчи» малака тоифасига эга бўлиши;

спорт тури бўйича тренер-ўқитувчи лавозимида камида 3 йиллик ёки терма жамоанинг катта тренери лавозимида камида 2 йиллик иш стажига эга бўлиши.

7. Қўйидагилар спорт тури бўйича терма жамоа катта тренерига қўйиладиган малака талаблари ҳисобланади:

жисмоний тарбия бўйича олий маълумотга эга бўлиши;

«Олий тоифали тренер-ўқитувчи» малака тоифасига эга бўлиши;

спорт тури бўйича тренер-ўқитувчи ёки терма жамоанинг тренери лавозимида камида 2 йиллик иш стажига эга бўлиши.

8. Қўйидагилар спорт тури бўйича терма жамоа тренерига қўйиладиган малака талаблари ҳисобланади:

жисмоний тарбия бўйича олий маълумотга эга бўлиши;

«Биринчи тоифали тренер-ўқитувчи» малака тоифасига эга бўлиши;

спорт тури бўйича тренер-ўқитувчи лавозимида камида 2 йиллик иш стажига эга бўлиши.

9. Спорт тури бўйича тренер, тренер-ўқитувчи ҳамда тренер-инструктор жисмоний тарбия бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотига эга бўлиши лозим, Тренер ва тренер-ўқитувчиларнинг жисмоний тарбия маълумотига эга бўлишлари талаб этилмайдиган спорт турлари рўйхатида (рўйхат рақами 2559, 2014 йил 5 февраль) белгиланган спорт турлари бўйича тренер ва тренер-ўқитувчилар бундан мустасно.

10. Спорт тури бўйича тренер-ўқитувчи ҳамда тренер-инструкторлик лавозимида тавсия этилаётган номзодларга иш стажига эга бўлиш талаб этилмайди.

4-боб. Спорт тури бўйича ҳакам касбига қўйиладиган малака талаблари

11. Қўйидагилар спорт тури бўйича мусобақа бош ҳакамига қўйиладиган малака талаблари ҳисобланади:

спорт тури бўйича профессионал маҳоратга эга бўлиши;

«Халқаро тоифали спорт бўйича ҳакам» ёки «Миллий тоифали спорт бўйича ҳакам» ёхуд «Олий тоифали спорт бўйича ҳакам» ёки «I тоифали спорт бўйича ҳакам» малака тоифасига эга бўлиши;

камида 5 та мусобақада ҳакам сифатида иштирок этган бўлиши.

12. Қўйидагилар спорт тури бўйича мусобақа бош ҳаками ўринбосарига қўйиладиган малака талаблари ҳисобланади:

спорт тури бўйича профессионал маҳоратга эга бўлиши;

«Халқаро тоифали спорт бўйича ҳакам» ёки «Миллий тоифали спорт бўйича ҳакам» ёхуд «Олий тоифали спорт бўйича ҳакам» ёки «I тоифали спорт бўйича ҳакам» малака тоифасига эга бўлиши;

камида 5 та мусобақада ҳакам сифатида иштирок этган бўлиши.

13. Қуйидагилар спорт тури бўйича мусобақа бош котибига қўйиладиган малака талаблари ҳисобланади:

спорт тури бўйича профессионал маҳоратга эга бўлиши;

«Халқаро тоифали спорт бўйича ҳакам» ёки «Миллий тоифали спорт бўйича ҳакам» ёхуд «Олий тоифали спорт бўйича ҳакам» ёки «I тоифали спорт бўйича ҳакам» малака тоифасига эга бўлиши;

камида 3 та мусобақада ҳакам сифатида иштирок этган бўлиши.

14. Қуйидагилар спорт тури бўйича мусобақа бош котиби ўринбосарига қўйиладиган малака талаблари ҳисобланади:

спорт тури бўйича профессионал маҳоратга эга бўлиши;

«Халқаро тоифали спорт бўйича ҳакам» ёки «Миллий тоифали спорт бўйича ҳакам» ёхуд «Олий тоифали спорт бўйича ҳакам» ёки «I тоифали спорт бўйича ҳакам» малака тоифасига эга бўлиши;

камида 2 та мусобақада ҳакам сифатида иштирок этган бўлиши.

15. Қуйидагилар спорт тури бўйича ҳакамга қўйиладиган малака талаблари ҳисобланади:

спорт тури бўйича профессионал маҳоратга эга бўлиши;

Спорт ҳакамлари ва спорт ҳаками тоифалари тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2324, 2012 йил 6 февраль) мувофиқ спорт турлари бўйича ҳакамларга бериладиган малака тоифаларидан бирига эга бўлиши лозим.

16. Спорт тури бўйича ҳакам лавозимига тавсия этилаётган номзодларга иш стажига эга бўлиш талаб этилмайди.

5-боб. Яқуний қоидалар

17. Мазкур малака талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

18. Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши билан келишилган.

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2014 йил 23 май

*Ўзбекистон Қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2014 йил 23 май

280-281-моддалар

— 90 —

23 (627)-сон

*Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилоти
Марказий Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2014 йил 23 май